

СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИДА - БОЛАЛАР СПОРТИНИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Тоҳир ҚУРБОНОВ,

**Қашқадарё вилоят ҳалқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оши-
риш институти маънавий-маърифий ва илмий
ишлар проректори, фалсафа фанлари номзоди,
доцент**

Равшан ҚУЧҚОРОВ,

**Қашқадарё вилоят ҳалқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оши-
риш институти катта ўқитувчиси**

“Соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади” Президентимиз Ислам Каримов раислигида жорий йилнинг 11 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида жамғарма ташкил этилганидан буён, хусусан 2015 йилда амалга оширилган ишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида атрофлича фикр-мулоҳазалар юритдилар.

2002 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этишдан мақсад: фарзандларимизга болалигидан бошлаб спорт билан ошно қилиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашдан иборат. Фарзандларимиз болалиқдан — асосан мактаб ёшидан бошлаб спортни ўзининг ҳаётидаги доимий ҳамроҳи деб билиши, улар умрбод спорт билан дўст бўлиб қолишини, бунинг учун барча шарт-шароит ва имкониятларни барпо этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи, спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақам 57,2 фоиз, қишлоқ жойларида эса, 56 фоизни ташкил этди. 2005 йилда 43 турдаги машғулотларга қатнаган бўлса, бугунги кунда улар 59 спорт тури билан шуғулланмоқда. Айниқса, замонавий сузиш ҳавзалари, теннис кортлари ёки гимнастика заллари замон талабалари даражасида.

Маърузада алоҳида эътибор берилган масалалардан бири бу, қиз болаларни оммавий спортга жалб этиш масаласидир. 2005 йилда 24 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 47 фоизи, қишлоқ жойларда эса, 44,7 фоизни ташкил этмоқда. 2015 йилда спорт бўйича мураббий ва ўқитувчилар 2005 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайганида, жумладан, аёл спорт устозлари 3,8 баробар ошган. 14 ёшдаги ўғил-қизларимизнинг бўйи кейинги ўн йилда ўртача 2,8 сантиметртга ўсганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳарбий хизматга яроқли деб топилаётган йигитлар сони 2000 йилдаги 63,4 фоиздан 2015 йилда

эса, 86,3 фоизга етди. Уларнинг бўйи шу даврда 5,9 сантиметртга ўсиб, ўртача 171,7 сантиметртни, вазни эса 6,2 килограммга ортиб, 67,8 килограммни ташкил этди.

Қашқадарёда ҳам болалар спортини ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, нуфузли спорт мусобақаларда иштирок этаётган ўғил-қизларимизнинг сони тобора кўпаймоқда ҳамда қўлга киритилаётган совринлар миқдори ҳам сезиларли даражада ошмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, вилоятимизда 2015 йил дастур доирасида жамғарма маблағлари ҳисобидан жами **26 та**, жумладан **25 та** спорт иншоотлари (**21 та** мактабда спорт зал, **4 та** Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби капитал реконструкция қилинди) ҳамда **1 та** мусиқа ва санъат мактабларида (**1 та** капитал реконструкция) қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Ушбу мақсадлар учун 29,5 млрд.сўм маблағ сарфланиб, уларнинг 22,5 млрд.сўми Республика жамғармаси ҳамда 7 млрд. сўми жамғарманинг вилоят филиали ҳисобидан молиялаштирилди. Эътиборлиси 2015 йилда қурилган спорт иншоотларининг 96,1 фоизи қишлоқ жойларда қурилди. Бундан ташқари 2015 йил Давлат Инвестиция дастурига асосан умумтаълим мактабларида **4,7 млрд. сўмлик 13 та** спорт заллари фойдаланишга топширилди ва ҳомийлар томонидан ҳам **20 та** сунъий қопламали футбол майдонлари барпо этилди.

Шунингдек, болалар спорт объектларига 1,7 млрд. сўмлик спорт жиҳозлари ва анжомлари олиб берилиб, бунда асосан вилоятдаги маҳаллий хом-ашёлардан 28 турдаги спорт жиҳозлари ва кийим-кечаклар ишлаб чиқараётган 6 та корхоналарнинг маҳсулотларидан ҳам фойдаланилди.

Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2016 йилга мўлжалланган манзилий дастури лойиҳасига асосан жорий йилда ҳам вилоятда **24 та** болалар спорт объектларини қуриш ва реконструкция қилиш (**22 та** янги қурилиш, **2 та** капитал реконструкция) ҳамда ушбу мақсадлар учун **30,8 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланган .

Бугунги кунда вилоятда мавжуд бўлган **3910 та** спорт иншоотларининг қабул қилиш қуввати **133788** ўқувчи ўрнига тенг бўлиб, биз улардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Яратилаётган кенг имкониятлар эвазига мунтазам спорт билан шуғулланувчилар сони ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 6-15 ёшдаги жами спорт билан мунтазам шуғулланаётган ўқувчи ёшлар 2014 йилда 264615 нафарни (55,4 %) ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 294196 нафарни (60,6 %) ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 29581 нафар (6,2 %) ўсишга эришилган.

- 6-15 ёшдаги жами спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизлар 2014 йилда 104925 нафарни (45,5%) ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 126349 нафарни (53,6%) ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 21424 нафар (8,1 %) ўсишга эришилган.

Бундан ташқари, қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш мақсадида 8-март “Хотин-қизлар байрами” арафасида улар учун спорт кийимларининг тарқатилиши кейинги йилларда қизларимиз учун севимли спорт байрами тадбирларидан бирига айланиб бормоқда. Вилоятда спорт билан шуғулланаётган 6-18 ёшгача бўлган **75602 нафар** ўқувчи қизларга 3 йил давомида спорт кийимлари тарқатилди. Жорий йилнинг январ ойида **15656 нафар қизларимизга бу спорт кийимлари** тантанали равишда тарқатилди.

Қизларимизни ҳар томонлама соғлом, чиройли қадди-қоматга эга бўлишлари учун айниқса спортнинг нафис тури Бадиий гимнастиканинг ўрни ниҳоятда катта эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Бугун юқорида айтиб ўтганимдек, Қашқадарёлик қизлар ўртасида бадиий гимнастика оммалашиб бормоқда. Агар, спортнинг мазкур тури билан мунтазам шуғулланувчи қизлар сони 2004 йилда **45 нафарни** ташкил этган бўлса, 2015 йилда улар сони **6525 нафарга** етди. 14 йил муқаддам вилоятда “Умид ниҳоллари” ўйинларида бадиий гимнастика бўйича жамоа қатнашмаган бўлса, бугунги кунга келиб гимнастикачи қизларимиз Республика ва бир қатор халқаро турнирларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар.

2015 йилда нафақат бадиий гимнастика, балки бошқа спорт турлари бўйича ҳам бу каби натижаларга эришилди. Ўтган йил давомида жаҳон, осиё, халқаро ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда вилоятимиз спортчилари томонидан жами 598 та медал, жумладан, 211 та олтин, 164 та кумуш, 223 та бронза медаллар қўлга киритилди. (Шундан жаҳон кубогида 2 та олтин 1 та бронза, Осиё чемпионатларида 9 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза, халқаро турнирларда 16 та олтин, 13 та кумуш, 21 та бронза, Республика мусобақаларида 120 та олтин, 188 та кумуш, 224 та бронза). Маълумки, жорий йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ва XV Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли мусобақада иштирок этиш учун сузиш бўйича Хасанова Раъно лицензияни қўлга киритди. Спортчиларнинг юқори натижаларни қўлга киритишларида албатта мураббийларнинг тинимсиз меҳнатлари ва машаққатли хизматлари ётади.